O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 18 апрель, № 75 (4228) Чоршанба

ПРЕЗИДЕНТ МИСРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 апрель куни расмий ташриф билан Миср Араб Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Қадимий маданият ва давлатчилик марказларидан бири бўлган Миср Араб Республикаси ўз минтақасидаги юксак иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-техник салоҳиятга эга мамлакатлардан, — деди Ислом Каримов. — Миср араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган, мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ҳамда юртимизда ўз элчихонасини очган.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражада йигирма тўртта ҳужжат имзоланган. Икки давлат расмий делегацияларининг ташрифлари асносида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қоҳирада ўтажак учрашувлар чоғида Ўзбекистон-Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама этилиши кўзда тутилаётганини таъкидлади.

— Алоқаларни юқори босқичга кўтаришга бўлган интилиш икки томонда ҳам кучли, — деди Президентимиз. — Бироқ ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи икки томонни ҳам қониқтирмайди. Шу боис Миср раҳбарияти билан мулоқотларда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига тўла мос келади.

Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳалар билан бир қаторда ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Давр мазкур соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни талаб қилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича ўзаро ҳамкорликка доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Президентимизнинг ушбу ташрифи Ўзбекистон билан Миср ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

(ЎзА)

Д. ЮСУПОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Ш.Чагаевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шуҳратини бутун дунёга таранним этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 апрель

Президент асари Деҳлида тақдим этилди

Деҳлидаги Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Марказий Осиёдаги сўнгги геосиёсий ўзгаришлар: Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари» мавзуидаги халқаро семинар доирасида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Б.Худойбердиев Ҳиндистоннинг расмий ва академик доиралари вакиллари, етакчи тадқиқотчи ҳамда эксперт-лар, Деҳлида фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси раҳбарлари эътиборига мазкур китобни тақдим этар экан, юртимизда демократия ва дунёвий давлатчилик ғоялари изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳақида атрофлича сўз юритди. Бунда Ўзбекистон раҳбарияти ҳокимият бошқарувида халқнинг фаол иштирок этиши ҳамда очиқ ва адолатли сайловларни демократия тараққиётининг ажралмас қисми, ривожланган фуқаролик жамиятини эса ҳар қандай демократиянинг энг юксак чўққиси, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Жавоҳарлаъл Неру университети қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари дастурининг директори, профессор К.Варикоу ўз сўзида «мазкур китоб Ўзбекистон раҳбариятининг халқаро террорчиларга қарши қатъий чора кўрганлигини яна

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини янада мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини, мардлик ва ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтириш, мусобақалар муносабати билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар самарасини ошириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миллий Олимпия қўмитасининг «Универсиада—2007» спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган якуний босқичини 2007 йил июнь ойининг учинчи ўн кунлигида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуаларида ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2.«Универсиада-2007» спорт мусобақаларини Тошкент шаҳрида ўтказиш дастури (1-илова) ва ташкилий қўмита таркиби (2-илова) тасдиқлансин.

3.Ташкилий қўмита:

10 кун муддатда «Универсиада—2007» спорт мусобақаларини ўтказиш учун тегишли сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқиб, унинг молиявий манбаларини белгилашда мазкур мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қопланишини назарда тутсин;

«Универсиада—2007» спорт мусобақалари харажатларининг бир қисми Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига рухсат берилсин;

корхона ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг «Универсиада-2007» спорт мусобақаларини ўтказишга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин;

«Универсиада—2007» спорт мусобақалари учун қурилаётган ва реконструкция қилинаётган спорт иншоотларидаги қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш мақсадида пудратчи ташкилотларнинг аниқ иш ҳажмлари ва уларни бажариш муддатларини белгиласин;

барча тадбирлар, жумладан, мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларининг халқаро талаблар даражасида тайёрланиши ва замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланиши ҳамда тадбирлар ўтадиган жойларни ободонлаштириш ишларини жорий йилнинг 15 июнига қадар тугатишни таъминласин.

4.Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда «Универсиада—2007» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари юксак савияда ўтишини ташкил этсин.

5.Тошкент шаҳар ҳокимлигига:

спортчи талабаларни мусобақалар ўтказиладиган масканлар ва яшаш жойларига олиб борадиган йўналишларни белгилаб, шу йўналишлар бўйича таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан биргаликда спортчи талабаларни белгиланган манзилларга етказиш учун техник кўрикдан ўтган транспорт воситаларини жалб этиш;

шаҳар кўчаларини «Универсиада—2007» спорт мусобақаларини тарғиб қилишга қаратилган кўргазмали воситалар билан безатиш;

Тошкент темир йўл вокзалида спортчи талабаларни тантанали кутиб олиш ва кузатишни ташкил этиш вазифалари топширилсин.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Козловнинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкорқидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган қонун лойиҳаси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси С.Азизов «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Н.Аҳмаджонов маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил муҳокама қилиб, киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2007 йил 17 апрель куни республика Ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 февралда Ҳукумат мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши, шу жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва одамлар фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни барча чоралар билан кучайтириш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларни ҳамда макроиқтисодий ва тармоқлар ривожланишида юқори кўрсаткичларга эришилишини таъминлади.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари 12,0

(Давоми 2-бетда).

Нигоҳ

Ўзбекистон ўғлони – ринг қироли

Бу тўғрида фахрланмасдан, жўшқин ҳис-ҳаяжонларга берилмасдан сўзлаб бўлмайди: Ўзбекистон ўғлони, ўзбек бокс мактабининг ёрқин юлдузи Руслан Чагаев профессионал боксининг энг оғир вазнида жаҳон чемпиони шоҳсупасига кўтарилди. Ўзимизнинг андижонлик норғул йигит — ринг қироли! У яна кимни мағлубиятга учратиб, бу олий шоҳсупани эгаллади денг?! Жаҳон миқёсида енгилмас деб тахмин қилиниб келинаётган бокс паҳлавони, девқомат Николай Валуевни!

Русланнинг жаҳон бокс солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилган ғалабаси Ўзбекистонга катта қувонч келтирди. У халқимизнинг умид ва ишончларини юксак даражада оқлади. Бу ғалаба давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг оталарча меҳр-муҳаббат билан ичдан нурланиб, фахр ва ғурур билан ёлқинланиб турган ажойиб табрик сўзларига сазовор бўлди.

Президентимизнинг Русланга табригидаги мана бу таърифларни ҳар қандай ватандошимиз умрида лоақал бир марта эшитишни чин дилдан орзу қилган бўлур эди, десак бор гапни айтган бўламиз:

«Бутун Ўзбекистон аҳли сенинг спорт оламида кўрсатган бекиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек спорт мактабида тарбия топиб, камолга етган сендек ўғлонимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз».

Ҳа, бундай улуғ эътироф ҳар бир ғурурли инсоннинг ҳавасини келтиради. Аммо Русланнинг бахти шундаки, Юртбошимизнинг фахр ва ғурур тўла қалб сўзларини эшитиш бугун унга насиб этди.



(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада – 2007» спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

6.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мусобақалар иштирокчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш, мусобақалар даврида тез тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва овқатланиш жойларида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилишини алоҳида назоратга олсин.

7.«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига мувофиқ, мусобақалар иштирокчилари йўл харажатлари учун имтиёзли тўлов тарифларини қўллашни назарда тутсин.

8. Республика «Ватанпарвар» ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари билан биргаликда "Қуёш физикаси" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида универсиада машъаласини ёқиш ва уни Тошкент шаҳрига етказиш билан боғлиқ барча ташкилий-хавфсизлик тадбирларини амалга оширсин.

9.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли ваколатли ташкилотлар билан биргаликда, «Универсиада—2007» мусобақалари давомида тадбирлар ўтадиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10.Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Универсиада—2007» мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 16 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилган «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур ҳужжатнинг батафсил муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар ўз чиқишларида ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган ўзбек боксчиси Руслан Чагаевнинг улкан ғалабаси алоҳида аҳамиятга молик эканлиги ҳақида кўтаринки руҳ билан гапирдилар. Мустақил Ўзбекистоннинг шуҳратини яна бир бор кўкларга кўтарган ушбу ғалаба мамлакатимиз Президенти томонидан Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор ва уни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар натижаси бўлди. Муҳокама чоғида депутатлар томонидан «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш мудофаа қобилиятини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёрлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишида фуқароларимизнинг катта хизматларини рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этиши ҳам таъкидланди. Муҳокама чоғида баён этилган таклифларни қўллаб-қувватлаб, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини тақдим этди. Саволжавоблардан кейин, бўлиб ўтган муҳокама вақтида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси ҳар иккала қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси С.Турсунов тақдим этди. Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида сўзга чиққан барча депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ҳамда муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси А.Абдуназаров ахборот берди. Баён этилган таклиф ҳамда мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА)

МАМЛАКАТ бўйлаб

ХИТОЙЛИК БАНКИРЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт банки бош директори Ю Сяюпин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча жабҳаларда, жумладан, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Хитой делегацияси раҳбари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш тизимига замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, шаҳарлар ва туманлар марказларидаги барча алоқа тармоқларини замонавийлаштириш ҳамда аҳоли, корхона ва ташкилотларга юқори сифатли телефон алоқаси ва маълумот узатиш хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди.

"Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки билан Хитой Тараққиёт банки ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Мазкур ҳужжатга биноан, Хитойнинг "Huawei Technologies" компанияси билан ҳамкорликда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига қиймати 18,3 миллион АҚШ долларига тенг телекоммуникация ускуналари лизинг асосида етказиб берилади.

Семинар-тренинг

Қаршида «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва солиқ қонунчилигида ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш» мавзуида семинар-тренинг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси БМТ Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ташкил этган бу семинарда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва фуқароларда солиқ тўлаш маданиятини ошириш мавзуларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ҳақида қизғин фикрлар билдирилди.

Саломатлик кафолати

Кеча Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Европа иммуннизация ҳафталигида Ўзбекистон Республикаси иштирокига бағишланган мазкур мулоқот Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа бюроси мувофиқлаштирадиган минтақавий тадбирлардан бири ҳисобланади. Мазкур тадбирда 26 та давлат — хусусан, Ўзбекистон ҳам иштирок этади. Тадбир ЮНИСЕФ ва бошқа минтақавий, миллий ташкилотлар ҳамкорлигида бўлиб ўтади.

Маълумки, касалликка қарши эмлаш туфайли ҳар йили миллионлаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинмоқда. Жумладан, юртимизда ҳам. Бу эмлаш дастури бизда кейинги йилларда анчайин ривожланганидан далолатдир. Мамлакатимиз 2002 йилдаёқ "Полиомиелитдан холи ҳудуд" деган шарафга эришгани бежиз эмас.

Сир эмаски, юртимизда ҳар бир боланинг соғлиғи эътиборда. Европа иммуннизация ҳафталигининг асосий мақсади ҳам ўзбекистонлик болаларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш орқали уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашдир.

Наманганда халқаро турнир

Наманганда ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида теннис бўйича ITF таснифидаги халқаро турнир байроғи кўтарилди.

Гуллар шаҳри мазкур анъанавий беллашувга ўн биринчи бор мезбонлик қилаётир. Вилоят марказидаги «Дўстлик» теннис кортида ўтказиладиган баҳсларда жаҳоннинг ўн уч мамлакатидан келган 110 нафар ёш ракетка усталари қатнашди. Улар орасида Ҳиндистон, Канада, Германия, Таиланд, Австрия, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон вакиллари бор.

Кеча бошланган саралаш ўйинлари баҳс муросасиз ўтишини кўрсатмоқда. Мусобақалар 21 апрелгача давом этади.

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Президент асари Деҳлида тақдим этилди

(Давоми. Боши 1-бетда).

бир бор яққол ифодалайди», деди. Ҳиндистонлик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг китоби Марказий Осиё минтақасидаги вазият билан қизиқувчи сиёсатчилар, эксперт, олим ва мутахассислар учун жуда ишончли ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

«Евроосиё» жамғармаси директори, профессор А.Моҳанти минтақадаги жараёнларга ташқи кучлар томонидан сезиларли таъсир ўтказишга бўлаётган уринишлар китобда яққол очиб берилгани ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. У «ҳар бир давлат ўз тарихи, анъаналари ва ўзига хос ривожланиш услубларига эга» эканини таъкидлар экан, «Ўзбекистон, авваламбор, тинчлик ва осойишталик тамойилларига содиқлигини» қайд этди.

Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институтининг етакчи илмий ходими М.Сингх Рой ўз чиқишида мазкур китобда акс этган ҳаққоний ва очиқ мулоқот руҳига юқори баҳо берди. У Ўзбекистон Президентининг ҳар қандай инқилобларга қарши экани ва сиёсий жараёнларни босқичма-босқич, табиий тарзда амалга ошириш юзасидан жонкуярлиги катта эътиборга молик эканлигини алоҳида таъкидлади.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Деҳли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 5,5 фоизга, қурилиш — 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,5 фоизга ва пуллик хизматлар кўрсатиш 25 фоизга кўпайди. Давлат бюджетининг ижроси 1,7 фоиз миқдоридаги профицит билан таъминланди, инфляция даражаси 2,9 фоизни ташкил қилди ва прогноздаги параметрлардан ошмади. Ташқи савдо айланмаси барқарор равишда юқори суръатлар билан ўсмоқда, экспорт кўрсаткичлари 21,1 фоизга кўпайди. Ташқи савдо ижобий сальдоси қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўпайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 47 фоизга, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига инвестициялар 16 фоизга ўсди.

Биринчи чорак мобайнида 43 та йирик инфратузилма ва ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, шу жумладан, 7 та тўқимачилик корхонаси, турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватлари, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўлининг «Тошгузар-Деҳқонобод» участкаси ва шу кабилар ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига биргаликда молиялаштирилаётган полиметалл рудаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, газ конларида қўшимча сиқувчи компрессор станциялари ўрнатиш каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича иккита корхонада Киото протоколининг Соф ривожлантириш механизмидан фойдаланган ҳолда республикада биринчи лойиҳа амалга оширила бошланди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш давом эттирилди, 329 та қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) қайта ташкил этилди ва улар негизида 25,2 мингта фермер хўжалиги ташкил қилинди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг ушбу секторида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг юқори суръатларини ҳамда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 33,2 фоизгача оширишни таъминлади.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси ва сервисни, чорвачиликни, касаначиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг амалга оширилиши биринчи чоракда қарийб 150 минг янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади. 2006 йилнинг I чорагидагига нисбатан замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар, молия ва транспорт хизматлари кўрсатиш борасида сифат жиҳатидан таркибий ўзгаришлар қайд этилмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 43,5 фоизгача кўпайди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастури доирасида 13,8 мингта кам таъминланган ва кўп болали оила 5,5 миллиард сўмликдан зиёд қорамолни текин олишди, 3,4 мингта кам таъминланган оилага Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига 2,9 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди, ногиронлар учун қарийб 1500 та иш ўрни, шу жумладан касаначиликни ташкил этиш йўли билан 1160 та иш ўрни ташкил этилди, ҳомийлар маблағи ҳисобига 26 минг нафар ёлғиз кишига ва 121 мингта кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳал этилмаган муаммоларга танқидий баҳо берилди, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш чоратадбирлари белгиланди.

Марказий банк раиси Ф.Муллажоновнинг, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевнинг, бир қанча хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларида пул параметрлари ва оқимларига риоя қилиш, тўловлар, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларида дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида тўланмай қолган қарзларнинг, шунингдек муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг вужудга келишига йўл қўйган «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниялари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси фаолияти танқид қилинди.

Мажлисда чигит экиш мавсуми қандай ўтказилаётганлиги ва 2007 йил ҳосили учун кўкламги дала ишларини муваффақиятли тугаллаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар комплексини таъминлаш масалалари, шунингдек мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, қишлоқда бозор инфратузилмасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоиловнинг, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Камоловнинг, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятлари ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, аграр сектор хўжалик бирлашмалари ва аграр сектор тармоқларига хизмат кўрсатувчи идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига барча зарур агротехника ишларини сифатли ўтказиш учун қўшимча чора-тадбирлар комплексини кечиктирмай амалга ошириш вазифаси юкланди.

Уй-жой-коммунал соҳани ислоҳ қилиш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишнинг танқидий таҳлил қилиниши Ҳукумат мажлисида кўриб чиқилган муҳим масалалардан бири бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хановнинг, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаевнинг, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари Н.Тўраев ва Н.Ҳамдамовнинг, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмуҳамедовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда қайд этилганидек, уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатиш тармоғи давлат томонидан салмоқли қўллаб-қувватланаётганлигига қарамай, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ихчамлаштириш жараёни тугалланмаган, кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифат даражаси пастлигича қолмоқда, жумладан Тошкент шаҳрида, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида маънавий эскирган ва тежамсиз буғ қозони агрегатларини алмаштириш ишлари етарли суръатларда амалга оширилмаяпти. Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида уй-жой фондини ичимлик сув сарфини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишларини кучайтириш талаб этилади.

Иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Р.Ғуломов, «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси Қ.Рустамов, нефть-газ, кимё ва тўқимачилик тармоқлари раҳбарларининг ҳисоботлари ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва янги қувватларни ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши, ушбу мақсадлар учун инвестициялар ва молиявий ресурслар жалб этилишининг танқидий таҳлилига бағишланди.

Тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари олдига 2007 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган объектларни, энг аввало, ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришни таъминловчи саноат йўналишидаги объектларни сўзсиз ва ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Ҳукумати мажлисида кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

ЭКОЛОГИЯНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Оролбўйида тузли чанг кўчишининг олдини олиш мақсадида саксовулзор барпо этиш, тузга ва сувсизликка чидамли қандим, черкес каби чўл ўсимликларини кўпайтириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда жорий этилаётган махсус лойиҳа бўйича ўтган йили уч ярим минг гектардан ортиқ майдонда бутазорлар барпо этиш режалаштирилган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар кўмагида 1 минг 796 гектар майдонга саксовул кўчатлари ўтказилди. Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний ва Нукус туманларининг МТПлари ва ўрмон хўжаликлари бу ишда фаоллик кўрсатди.

Айни пайтда бу ерда кўчат экиш ишлари қизғин давом этяпти. Жорий йил бошидан буён бир минг 656 гектар ерда саксовулзор барпо қилинди.

— Тузли қум кўчкиларига чек қўйиш мақсадида жойларда қамишдан сунъий тўсиқлар ҳам барпо этилмоқда, — дейди Мўйноқ тумани ўрмон хўжалиги бошлиғи Жўлдасбой Тўраминов. — Бу ишлар аҳоли яшайдиган овуллардан 60-70 чақирим олисда олиб бориляпти. Бу йилги мавсумда 115 минг туп саксовул кўчати экилди. 250 гектар ерда янгидан саксовулзор барпо этилмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Энг мафтункор сиймо

Пойтахтимиздаги «Фотосуратлар уйи»да хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнига бағишланган кўргазма очилди. У Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада намойиш этилаётган фотоасарларда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи атрофлича акс эттирилган. Мазкур кўргазма доирасида ҳаваскор суратчилар асарлари танлови ҳам ўтказилди. «Энг яхши фото» номинациясида сирдарёлик Комила Райимбоева ғолиб деб топилди.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Деҳқонга елкадош

Қўнғирот туманидаги «Хон қизи Гулсан» биолабораторияси жамоаси ҳудуддаги фермер хўжаликларига зараркунандаларга қарши курашишда яқиндан ёрдам бермоқда. Хусусан, 9 нафар мутахассис фаолият юритаётган биолабораторияда жорий йилда 18 килограмм «трихограмма», 5 миллион 600 минг дона «олтинкўз», 3 миллион 510 минг дона «бракон» биомаҳсулотлари тайёрлаш кўзда тутилган.

СУРАТДА: лаборант Сапура Карбаева.
Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 17 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	1044,13	1 Малайзия ринггити	364,71
1 Англия фунт стерлинги	2492,08	1 Польша злотийси	444,33
1 Дания кронаси	228,01	1 СДР	1907,59
1 БАА дирҳами	341,35	1 Туркия лираси	914,82
1 АҚШ доллари	1253,31	1 Швейцария франки	1033,06
1 Миср фунти	220,36	1 ЕВРО	1699,49
1 Исландия кронаси	19,19	10 Жанубий Корея вони	13,49
1 Канада доллари	1103,75	10 Япония иенаси	105,13
1 Хитой юани	162,31	1 Россия рубли	48,52
		1 Украина гривнаси	248,18

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Орамиздаги одамлар

Дунёга машҳур «Алхимик» романининг қаҳрамони мисни олтинга айлантириш учун умрини бағишлайди, лекин ҳаракатлари бесамар кетади. Миснинг олтинга айланмаслиги — оддий ҳақиқат. Бироқ яна бир ҳаётий аксиома шуки, ўз умрининг ҳар бир дақиқаси, куни ва имкониятларини олтинга айлантира олган кишилар ҳақиқий фидойилардир.

...Матлубахон Исмоиловага «Қозондастмолдан ясаганларингизни матоҳ деб юрибсизми?» қабилида гапирганлар ҳам бўлди. Тўғриси, фақат даромад орттириш учун эмас, балки одамлар саломатлиги, соғлом турмуш тарзини кўзлаб, табиий тоза ва фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқарсангиз-у, ишингизни кимдир мана шундай баҳоласа, оғир ботаркан. Аслида яхши нарсани кўра билиш, баҳолаш ва уни яхшиликка ишлата билиш ибратли фазилат эмасми?

«ЛУФФА»НИНГ АЖАБТОВУР МАҲСУЛОТЛАРИ

Матлубахон опа Москвада ўқийдиган катта ўғли Баҳодиржонни кўргани бориб, бу шаҳарнинг бозорларида дастмолқовоқни ҳам хомашё, ҳам товар тарзида сотиб ўтирганларни кўрди. Қаранг, юртимизда баҳордан то қишгача беминнат «болалаб» ҳосил берадиган, аммо биров қадрига етмайдиган, асосан қозон ювгич сифатида ишлатиладиган бу нарсанинг бозори чаққон, сотувчиларнинг эса қўли-қўлига тегмасди. Чунки улар қозондастмолга озгина ишлов ва безак беришибди, яъни унинг атрофига мағиз тикиб, ушлагичлар ўрнатишибди, бу билан қулинг ўргилсин мочалка тайёрлашибди.

— Бу суньий толалардек баданга ботмайди. Қозондастмолнинг яна бир хислати бор — ўзидан табиий ишқор чиқаради, — деб тушунтирди сотувчилардан бири.

Матлубахон Исмоилова ёшлигидан тикувчиликни ўрганган, бешинчи тоифали уста эди. У Марғилонга қайтгач, қозондастмолга турли шакл бериб, атрофига чиройли мағизлар тикиб, маҳсулотга товар кўринишини берди. Унга бозорда харидорлар ҳам топила қолди. Шундан кейин у томорқасида дастмолқовоқ етиштиришни йўлга қўйди, тикув машиналарини кўпайтириб, маҳалласида яшовчи хотин-қизларни мочалкалар тикишга ўргатди.

Бугунги кунда Матлубахон Исмоилова бошлиқ «Луффа» хусусий корхонасида 40 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Мочалкалар, шиппаклар, ҳаммом гиламчалари, патаклар, матрацлар, ошхона буюмлари ва даволовчи белбоғлар шулар жумласидандир.

Корхонада эса 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг ярми касаначилик асосида иш юритмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йил охирида шаҳар ҳокими қарори билан тадбиркорга хомашё етиштириш учун 2 гектар ер ажратиб берилди. Демак, яна 15 киши иш билан таъминланади.

— Президентимиз тадбиркор ва ишбилармонлар аҳлини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб келмоқдалар, — дейди у. — Бунинг учун катта раҳмат! Чунки мен шу тадбиркорлик билан шуғулланиб, обрў-эътибор топдим, «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолиб бўлдим, республика босқичида эса совриндорлар сафидан жой олдим.

Ниятлари амалга ошиб, бугун иши бароридан келган опа ўзига сабоқ берган азиз одамларни миннатдорчилик билан эслайди.

— Ҳунармандчилик менга ота-онамдан мерос, — дейди Матлубахон Исмоилова. — Раҳматли дадам Абдумажид Ғафуров ширинликлар тайёрлаш устаси эди. Саккиз қиз кўриб, ўғиллари бўлмаганлиги учунми, менинг табиатан шаҳдам, журъатли бўлишимни истарди. Отамдан қандолатчилик сирларини ўрганган бўлсам, онамнинг устозлигида ўн икки ёшимда дўппи, кейинчалик кўйлак, кастюмшим тикиш-бичиш ҳадисини эгалладим. Ҳунари бор одам кам бўлмас экан. Бугун ҳаммаси менга асқотмоқда.

Матлубахон Исмоиловани ўғиллари ҳам унинг изидан бормоқда. Соҳибжон тадбиркор, Шуҳратжон бирга ишлайди, корхона фаолиятига бош-қош. Опанинг ўзи узоқ йиллар боғчада тарбиячи, маиший хизмат уйида тикувчи бўлиб ишлаб, нафақага чиққанига ҳам ўн йил бўлиб қолса-да, ҳамон янги мақсадлар, орзу-ниятларни рўёбга чиқариш йўлида изланишдан чарчамайди. Хусусан, у айни кунларда икки гектар ерга дастмолқовоқ уруғини экиш тараддудида. Янги ерда ишлаш учун янги ишчилар олади, демак, атрофидагилардан яна бир неча кишининг оиласига қут-барака киради.

Муҳтарама УЛУҒ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Матлуба Исмоилова. Муаллиф олган сурат.

260 минг евролик суяк

Сибирда топилган мамонтнинг тана скелети Парижда 260 минг еврога сотилди. «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, скелет «Sotheby's» аукцион уйи томонидан ташкиллаштирилди. У бошланғич нархидан икки ярим баробар қимматга сотилди. Бироқ «Кимошди» савдосида ютиб чиққан коллекционер шахси маълум қилинмади.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сузувчи АЭС

Северодвинскда дунёда биринчи маротаба сувда сузувчи атом электростанцияси қуришга киришилди. Шу муносабат билан уюштирилган тантанали маросимда Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов ва «Росатом» раҳбари Сергей Кириенко иштирок этди. Бундай станциялар ўта хавфсиз бўлиб, уни жуда қисқа муддатда кўчириш мумкин. Лойиҳанинг қиймати 200 миллион доллар бўлиб, 2010 йилда қуриб битказилади. У электр қуввати етишмаётган ҳудудларда жуда асқотиши таъкидланаяпти.



Маҳбуслар озод этилади

Эрон ҳукумати Швециянинг икки нафар фуқаросига нисбатан авф эълон қилди. Улар 2006 йилда мамлакатдаги ҳарбий объектларни суратга олгани учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Мамлакат ташқи ишлар вазири вакили Муҳаммад Али Ҳусайни маҳбусларнинг қариндошлари ва яқинларининг қайта-қайта мурожаатларини инобатга олиб, ҳукумат уларни кечирганини ва икки швециялик тез орада озод этилишини таъкидлади.

Фавқулодда ҳолат

Қаттиқ шамол ва кучли ёмғир сабаб АҚШнинг Виржиния ва Нью-Жерси штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Штатлар губернаторлари аҳолига мурожаат қилиб, ўз уйларидан ташқарига чиқмасликка ҳамда шахсий автомобилларида сафарга бормасликка чақирди. Нью-Жерси ҳукумати сув тошқинлари сабаб 50 та йўлни вақтинчалик беркитди. Виржиниянинг сув тошқини хавфи бор ҳудудларидан юзлаб одамлар эвакуация қилинаяпти.

Нью-Йорк губернатори сув тошқинларидан зарар кўрган ҳудудларга ёрдам кўрсатиш мақсадида уч нафар миллий гвардияни жўнатди. Нью-Йоркдаги учта асосий аэропортда 500 дан ортиқ авиақатновлар бекор қилинди. Синоптикларнинг хабар беришича, бундай об-ҳаво шароити мамлакатнинг шарқий ҳудудларида яна бир неча кун сақланиб туради.

Нефть — тараққиётга имкон

Озарбойжон иқтисодиёти биринчи чоракда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 фоиз ўсган. Бу ҳақда мамлакат Президенти Илҳом Алиев маълум қилди.

Унинг сўзларига қараганда, мамлакат аҳолисининг турмуши муттасил яхшиланиб бораяпти. Манбада таъкидланишича, Озарбойжон иқтисодиёти асосан нефть экспортидан келаётган даромад эвазига ривожланмоқда.

Фармон кўриб чиқилмоқда



Украина Конституцион суди мамлакат Президенти Виктор Юшченконинг жорий йил 2 апрелдаги Олий Радани тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонининг қонуний ёки қонуний эмаслигини кўриб чиқишни бошлади. Ушбу даъво билан парламентнинг 53 депутати Конституцион судга мурожаат қилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БАРЧА ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТАШКИЛОТ ВА БОШҚАРМА БОШЛИҚЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2006-2007 ўқув йилида кундузги бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни шартномалар асосида иш жойларига тақсимлашни давом эттирмоқда.

Шу муносабат билан битирувчи бакалаврларга уч томонлама шартнома асосида уларни хоҳиши бўйича, келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, устама ҳақ тўлаш, турар жой билан таминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзларингиз) ҳақида университетга жорий йилнинг 1 июнига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ректорат 2006-2007 ўқув йилида қуйидаги жадвалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган юқори малакали бакалаврлар ва магистрлар ҳақида статистик маълумотни сизнинг эътиборингизга маълум қилмоқда.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 63-76-00, 63-63-35, факс: 63-75-01, маркетинг бўлими хизмати телефони: 63-75-09, e-mail tsau@uzpak.uz

Университет ректорати.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРАЁТГАН БАКАЛАВРЛАР ҲАҚИДА СТАТИСТИК МАЪЛУМОТ

Бакалавриат

№	Таълим йўналиши шифри	Таълим йўналиши номи	Умумий битирувчилар сони		Тошкент шаҳри		Қорақалпоғистон Республикаси		Бухоро вилояти		Жиззах вилояти		Навоий вилояти		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Сурхондарё вилояти		Сирдарё вилояти		Тошкент вилояти		Хоразм вилояти		Қашқадарё вилояти		Фарғона вилояти		Бошқа республикалар	
			Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш
1.	5340100	Иқтисодиёт	26	73	6	24		1	1	6	1	1		2					3	11	8			2	14	3	4	2	7		3		
2.	5340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	47	79	6	13			3	2	3	2	2				1	3	5	6	12		1	8	22	7	14	8	7	1			
3.	5620500	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш	16	16	2	6									1					5		1	1		4	2		5	5				
4.	5620200	Агрономия (дала экинлари)	58	52	8	2	1		2	4	2	1	1			1	3	1	1	9	7	1		6	18		3	23	8	1	4		
5.	5620200	Агрономия (мева-сабзавот)	40	26	9	8		2	1										4	7	4		1	10	10			7	1	2			
6.	5620800	Ўрмончилик	13	25		1		6	1	2		3		1		2	1	1	1	1	1			4	4			5	2				
7.	5620600	Зоотехния	28	12		3							1		1	1				13	2			6	4			7					
8.	5620900	Ипакчилик	33	7	1	1		1	1						1	1			1	2		4	1	3	3			20					
9.	5620100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	34	21		2		1			1		2					2	1	14	6	1	3	4	1		2	10	3	1	1		
10.	5620300	Ўсимликлар ҳимояси ва карантин	38	23	4	8			1				1				2		2	9	3	1		9	10			9	1		1		
11.	5620400	Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва селекцияси	14	14		3					1		1							6	1	1		2	9			3	1				
12.	5630100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	48	51	7	11	3		3	1		3	2	1	4	2	2	2	2	4	6	3		7	12	2	6	9	4	1	1		
13.	5140904	Касбий таълим (агрономия)	47	49	2	6		2	4	1	2			4				4	1		10	8			1	9			27	13		2		
14.	5140919	Касбий таълим (ҚХМ)	9	6	1	1			1				2	1					2			1	1	1	1	1				2				
		ЖАМИ	**451**	**454**	**46**	**89**	**4**	**13**	**18**	**16**	**10**	**10**	**12**	**9**	**7**	**7**	**8**	**11**	**18**	**19**	**99**	**56**	**10**	**8**	**63**	**121**	**15**	**29**	**135**	**54**	**6**	**12**		

Магистратура

№	Таълим йўналиши шифри	Таълим йўналиши номи	Умумий битирувчилар сони		Тошкент шаҳри		Қорақалпоғистон Республикаси		Бухоро вилояти		Жиззах вилояти		Навоий вилояти		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Сурхондарё вилояти		Сирдарё вилояти		Тошкент вилояти		Хоразм вилояти		Қашқадарё вилояти		Фарғона вилояти		Бошқа республикалар	
			Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш	Д	Ш
1.	5А340102	Тармоқлар иқтисодиёти	1	9	1	2		1				1								2						1				2				
2.	5А340201	Менежмент	1	6	1	4																				1				1				
3.	5А340901	Бухгалтерия ҳисоби	1	12		2						2						1	1	2						2				3				
4.	5А522904	Мева-сабзавотчиликда биотехнология	1	6	1	1															1					2				2				
5.	5А620101	Тупроқшунослик	1	5		1		1								1		1				1				1								
6.	5А620102	Агрокимё	1	2															1											2				
7.	5А620105	Тупроқ бонитировкаси	1	2														1									1			1				
8.	5А620106	Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси	1	3	1	2		1																										
9.	5А620201	Пахтачилик	1	4		1						1														1		1			1			
10.	5А620202	Ўсимликшунослик	1	2								1								1									1					
11.	5А620203	Умумий деҳқончилик	1	2								1																1			1			
12.	5А620204	Агрономия (далачилик)	1	1											1													1						
13.	5А620206	Дончилик	1	3																	1				1				1	1				
14.	5А620212	Ипак қурти биологияси ва агротехникаси	1	3																	1				1	1				1				
15.	5А620216	Сабзавотчилик	1	2		1														1				1										
16.	5А620217	Мевачилик	1	1	1																				1									
17.	5А620218	Ҳимояланган ерда сабзавотчилик	1																								1							
18.	5А620219	Узумчилик	1		1																													
19.	5А620224	Ўрмон доривор ўсимликлари	1	1		1																		1										
20.	5А620301	Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан асраш	1	5		1										1						1				1				2				
21.	5А620304	Энтомология	1	3		1															2						1							
22.	5А620305	Фитопология	1	3																	1		1						1	1				
23.	5А620401	Пахта уруғчилиги ва селекцияси	1	5										1									1							3	1			
24.	5А620402	Дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси	1	3						1													1	1				1						
25.	5А620501	Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	1	2												1														1	1			
26.	5А620502	Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	1	4		1								1					1		1				1									
27.	5А620503	Пахта хомашёси етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	1	5												1				1	1						1			2				
28.	5А620505	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш	1	9															1	2	2		1		1					2		1		
29.	5А620602	Наслчилик	1	4		2											1								1					1				
30.	5А620603	Паррандачилик	1		1																													
31.	5А620607	Асаларичилик																																
32.	5А620803	Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш	1		1																													
33.	5А620804	Ўрмон мелиорацияси	1						1																									
34.	5А640110	Кинология ва итларнинг касалликлари	1																	1														
35.	5А630101	Деҳқончиликни механизациялаштириш	1	2	1																				2									
36.	5А630102	Чорвачиликни механизациялаштириш	1	2	1	1												1																
37.	5А5630103	Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, уларни тиклаш ва таъмирлаш																																
38.	5А630104	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга техник сервис кўрсатиш	1	4		1		1						1			1								1									
39.	5А630107	Трактор, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси маркетинги																																
40.	5А630109	Хориж техникалари сервиси																																
41.	5А630202	Электротехник ускуналар эксплуатацияси ва техник сервиси																																
42.	5А630902	Ипак қурти уруғчилиги																																
		Жами	**36**	**115**	**10**	**22**		**4**	**1**	**1**		**6**		**3**	**1**	**4**	**2**	**4**	**4**	**8**	**4**	**10**		**4**	**3**	**18**	**4**	**5**	**3**	**25**	**4**	**1**		

ЎЗБЕКИСТОН ЎҒЛОНИ — РИНГ ҚИРОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг Русланга аталган табрик ва таъриф сўзлари замирида мамлакатимизда ҳозирги ёш авлоднинг миллионлаб вакилини энг юксак марраларга чорловчи даъват барқ уриб турибди.

Қолаверса, Руслан Чагаев ҳам, оламшумул зафарга эришгач, ўзининг қалбида уйғонган энг биринчи ёрқин ҳисҳаяжонларини Президентимиз номига Германиянинг Штутгарт шаҳридан шошилинч равишда йўллаган мактубида ўта самимий тарзда ифода этди. Руслан ўз мактубини «...Таниқли боксёр Николай Валуев билан беллашувда ғолиб чиққаним туфайли чексиз хурсанчилигимни Сизга изҳор этмоқдаман» деган ҳақиқий фарзандларга хос жўшкин дил сўзлари билан бошлайди.

Ушбу мактуб шундан кейин яна бошқа улкан ҳақиқатларни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам қимматлидир.

«Биз, спортчилар, — деб ёзади ринг қироли, — мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингизни яхши биламиз. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўпкарра Осиё, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирилган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу ғамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ривожланган давлатлари қаторига қўшилди».

Донгдор боксчимизнинг бу сўзлари ҳар бир ўзбекистонлик учун юрак-юракдан тушунарли бўлган айни ҳақиқатдир.

Руслан эришган ютуқ жаҳонда сенсациядай кутиб олинганлиги рост. Чунки курраи заминдаги жами бокс мухлислари алп жуссали Николай Валуевга ҳали-бери ҳеч ким бас келолмаса керак, деган ўйда эди. Руслан бу ўйларни чиппакка чиқарди ва ҳақиқатан ҳам, спорт оламида сенсацияни вужудга келтирди.

Шу билан бирга, Руслан-нинг ғалабасига кўпроқ мустақил Ўзбекистонимизда спорт ривожига кўрсатилаётган улкан эътиборнинг мантиқий натижаси, деб қаралса, янада аниқроқ бўлади. Бежизга бу юртдан сўнгги йилларда шахмат бўйича Рустам Қосимжоновдай жаҳон чемпиони чиқмади. Бу юрт фарзанди Артур Таймазов эркин кураш бўйича бежизга яккаш тождор бўлиб қолмаяпти. Бу юртдан чиққан Муҳаммадқодир Абдуллаев 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бежизга бокс бўйича олтин медалга сазовор бўлмади. Бежизга сўнгги йилларда ўзбек кураши жаҳон миқёсида тобора катта обрў-эътибор топмаяпти. Бу ўзгаришлар ва залворли ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Спортни равнақ топтириш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу йўлда ҳеч нарса аялмаяпти. Мана шу соҳадаги беқиёс хизматлари учун Президентимиз Халқаро Олимпия қўмитасининг олтин ордени билан мукофотланди.

Ўтган ўн йиллар давомида Ўзбекистонда ёшларни жисмоний баркамол этиб тарбиялашнинг ўзига хос янги тизими вужудга келди. Мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада» мусобақалари йўлга қўйилди. Бу мусобақалар халқимизнинг вужудида яширин бемисл спорт салоҳиятларини юзага чиқармоқда. Таъкидлашимиз керакки, ёш авлоднинг жисмоний баркамоллигига хизмат қиладиган бундай тажриба дунёдаги бирон-бир мамлакатда учрамайди.

Ўзбекистонда спортчиларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг барча чора ва тадбирлари кўрилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони нишони бугун спорт соҳасида энг юқори натижаларга эришган, халқимиз ғурур-ифтихорига айланган ажойиб йигит-қизларнинг кўксини безаб турибди. Уларнинг орасида Руслан ҳам бор. Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, Руслан Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихоридир.

Ватанимиз спорти намояндалари жаҳон ареналарида борган сари ўзларининг энг кучли жиҳатларини кўрсатиб бораверади. Жаҳон аҳли бизда Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг янги, забардаст авлодлари вояга етаётганлигига борган сари кучлироқ ишонч ҳосил этаверади. Руслан Чагаевнинг ғалабаси — бунинг яна бир оламшумул далилидир. Ўзбекистон ўз ўғлони билан фахрланади ва унинг янгиянги ғалабаларига умид боғлайди.

Ишончимиз комил, Ўзбекистон спорти ўз бағридан Русландай спорт қироллари-ни ҳали кўплаб етиштиради.

Михли САФАРОВ.

ТАСАННО, СЕНГА, РУСЛАН!

Биз, нуронийлар серқуёш юртимизда муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида ҳар бир соҳада изчиллик билан олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг самараларини кўриб, шундай диёрда яшаётганимиздан Аллоҳга беадад шукурлар қиламиз.

Куни кеча яна бир улкан воқеанинг шоҳиди бўлдик. Дилимиз ғурурга, ифтихорга тўлди. Ўзбекистон фарзанди Руслан Чагаев курраи заминда тенгсиз боксчи эканлигини исботлади. Ҳар биримизнинг дилимиздан «Балли, Русланжон, Ўзбекистоннинг номини шунчалар шарафлаганинг, байроғини янада юксакларга кўтарганинг учун сенга тасанно!» деган сўзлар ўтди. Зеро, ота-она учун фарзанд камолидан улуғ бахт йўқ. Ғалабаларинг кўпаяверсин, билакларинг асло толмасин, Русланжон!

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши.

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ, Олимпиада чемпиони:

— Руслан билан яқин қадрдонмиз. Биз у билан бирга муҳтарам Президентимиз, мамлакат спортининг жонкуяр ташкилотчиси, раҳнамоси Ислом Каримов билан учрашувимизда Юртбошимизнинг ўзлари бизларга оқ фотиҳа берган эдилар. Дуо ижобат бўлди. Руслан ишончни оқлади. Сафдошим Руслан Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритган эди. Орадан ўн йил ўтиб, у профессионал боксчилар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони бўлди. Бу — ҳаммамизнинг ғалабамиз. Ўзбек спортининг тарих саҳифаларида муҳрланиб қоладиган ютуғи бу.

Галина ГУЗИНКИНА, Русланнинг ўқитувчиси:

— Русланни ўқувчилик давридан биламан. Тиришқоқ, тенгқурларига меҳрибон, оққўнгил йигит. Уйга берилган вазифаларни эринмай қунт билан бажаришга одатланганди. Болаликдаги ўша фазилатлар вояга етганидан кейин ҳам ўзига йўлдош бўлди. Олис юртлардан уйига қайтгач, ҳеч эринмай мактабга келади, ўзга мамлакатларда кўрган-кечирганларини гапириб беради. Ўқувчиларимизнинг спортга бўлган қизиқиши тағин-да аланга олади.

Биз Ватан байроғини юксакларга кўтаришга, улуғлашга қодир шогирдларни камолга етказганимиз билан ғурурланамиз.

Александр РАЗМАХОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси, жаҳон чемпионининг устози:

— Мен Русланнинг ғолиб бўлишига ишонар эдим. Уннинг зарбаси кучли, рақибига арслондек ташланади. Шиддаткор. Кейинги пайтларда ўта оғир вазнлилар ўртасида бўлиб ўтаётган «жанг»ларда шиддат ҳам, шижоат ҳам бирмунча сусайгандай бўлувди. Руслан боксдаги ана шу ўзига хосликни тиклади. Ҳар бир зарбанинг ҳеч бир куч тўхтата олмайдиган даражада аниқ берилиши, сира кутилмаганда ҳужумга ташланиши, зарур ҳолларда ўзини ҳимоя қила билиши спортчидан юксак маҳорат талаб этади.

Қувончимиз сиғмас оламга

Таҳририятимизга ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг тарихий ғалабаси муносабати билан мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларидан, корхона ва идора, жамоатчилик ташкилотларидан хатлар, телеграммалар оқиб келмоқда, тинимсиз телефон қўнғироқлари бўлиб турибди.

Уларда мамлакатимиз раҳбарининг спортга беқиёс эътиборидан миннатдорчилик, шу юрт фарзанди бўлганликларидан фахр-ифтихор туйғулари, эзгу тилаклар ўз ифодасини топмоқда.

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

2006 йилнинг 14 июль кунини ўзбекистонлик спорт ихлосмандлари ҳали унутмаган бўлсалар керак. Негаки, айнан шу куни профессионал бокснинг ўрта енгил вазнида (52 килограмм) қатнашаётган ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзиқулов Москва шаҳрида ўтказилган жангда профессионал боксдаги дастлабки йирик ғалабасига эришганди.

ҚАҲРАМОН ҲАМ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Қозоғистонлик машҳур "чарм қўлқоп" устаси Марат Мазимбоевни 12 раундли жангда очколар ҳисобига мағлубиятга (120:106, 117:108, 114:110) учратиб, WBO йўналиши бўйича қитаъларо ва IBA Халқаро бокс ассоциациясининг чемпионлик камарларини қўлга киритганди.

Бугун ўзбекистонликлар Руслан Чагаевнинг оламшумул ғалабаси билан бирга Қаҳрамоннинг навбатдаги ютуғини ҳам нишонламоқдалар. У куни кеча Москванинг муҳташам "Крилья" аренасида ўзининг WBO йўналиши бўйича чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди. Бу сафар ҳамюртимизга таиландлик тажрибали боксчи Сайрунг Савансил рақиб бўлди. Жанг узоқ давом этмади. Биринчи рауннддаёқ Қаҳрамоннинг кетма-кет берган кучли зарбасидан сўнг Сайрунг нокаут ҳолатига тушди. Шундай қилиб, юртдошимиз ўзининг чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди.

Албатта, оддий ўзбек ўғлонининг муваффақиятлари тасодифий эмас. Уларнинг замирида Президентимиз томонидан юртимизда спортга берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик ётибди. Давлатимиз раҳбари халқаро майдонларда юртимиз довруғини кўтараётган иқтидорли спортчиларимизни доимо қўллаб-қувватлаб келади. Қаҳрамон ҳам Ўзбекистон Президентининг махсус совғаси — замонавий компьютер билан тақдирланганди.

У ўшанда бу эътибор келгусида янгиянги муваффақиятларга эришишида пойдевор бўлиб хизмат қилишини таъкидлаганди. Қаҳрамон ишончни оқлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ҳурматли фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар!

«ОКСИГУМАТ»

— ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озиқланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи стимулятор.

Янгилик!

Янги, юқори самарали, бетакрор хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ хўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиз отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.

- ҳосилдорликни оширади,
- маҳсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- минерал озиқланишини мақбуллаштиради,
- тупроқнинг аллелопатик зўриқишини камайтиради.

«ОКСИГУМАТ» — қўшимча ҳосилни таъминлайди.

Бодринг	— 30 - 40 %
Буғдой	— 35 - 40 %
Гуллар	— 13 - 25 %
Дуккакли экинлар	— 50 - 60 %
Картошка	— 35 - 45 %
Кунгабоқар	— 50 - 60 %
Лавлаги	— 35 - 40 %
Маккажўхори	— 40 - 60 %
Пахта	— 40 - 60 %
Пиёз	— 30 - 40 %
Полиз экинлари	— 40 - 50 %
Помидор	— 25 - 30 %
Сули	— 20 - 40 %
Шоли	— 50 - 70 %

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат этилган. ГУВОҲНОМА № А 947.

«Гранд агро плюс» фирмаси
Манзил: Тошкент ш. Ф.Мавлонов к., 52/2 уй.
Тел.: 135-87-05, 449-30-84, 135-53-15 (кечқурун), 330-13-44.

«ГРАНА» Алтай - Россия

УН ЁРМАЛАР барча навлари

Ун о/н 50 кг, 10 кг, 5 кг, 2 кг
Ун биринчи навли
Жавдар уни
Қора буғдой, нўхат, перловка, арпа, манна ва геркулес ёрмалари

Энди Ўзбекистонда ҳам

«ГРАНА» — бу экологик тоза маҳсулот, сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги

Грана

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., З. Кабилов кўч., 19. Тел./факс 142-12-92
тел.: 103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

SIRUBA



ПОД ЗАКАЗ
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

184-83-25 184-83-26 142-77-03

«ALSKOM» суғурта компанияси жамоаси Шарқий ваколатхона директори Баҳодир Алимовга укаси **Ҳабибулло АЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6